



Озода НАРЗУЛЛАЕВА,

Тошкент вилояти “TURON” ахборот-кутубхона маркази,
Ахборот-кутубхона ҳужжатларини каталоглаштириши
ва ишлов бериши бўлими мудури

АСРГА ТЕНГДОШ ЗИЁ МАСКАНИ

Тошкент вилояти “TURON” ахборот-кутубхона
маркази 100 ёшдан ошди

The informational library center “TURON” is the largest regional scientific educational center, it has all necessary conditions for a lot of readers. To the centenary of the Informational library center “TURON” of Tashkent region is dedicated.

Миллий истиқлол шарофати туфайли му-
стақил юртимизда мазмуни ва кўлами асрларга
киёс қилгудек улуғвор, хайратомуз ўзгаришлар,
салмоқли ижтимоий силжишлар юз бермоқда.
Халқимизнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси
сифат жиҳатидан ўзгариб, камалак рангларидек
янги жилолар кашф этиб бормоқда. Бу, шуҳбасиз,
замондошларимизнинг олға томон ҳаракатлари-
да, интилишларида самарасини намоён этмоқда.
Шундай ўзгаришлар кутубхоначилик соҳасида ҳам
якқол кўзга ташланади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб
маҳсулотларининг нашр этиш ва тарқатиш тизи-
мини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китоб-
хонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш
бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғри-
сида”ги фармойиши ва мазкур фармойиш ижроси
юзасидан 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271 сонли
қарори асосида соҳани ривожлантириш бўйича
чора-тадбирлар дастури қабул қилинганлиги ку-
тубхоначилик ва нашриётчилик бўйича фаолиятни
янги босқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш
авлод ўртасида китобхонлик маданиятини янада
ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий
ривожланиш жараёнларида кечаётган оламшумул
воқеаларни кенг тарғиб этишда ахборот-кутубхона
марказларининг роли ниҳоятда катта.

Тошкент вилояти “TURON” ахборот-кутубхона
маркази қарийб 3 миллион аҳолига ўзининг ноёб
фонди ва илмий-маънавий мероси орқали маданий
хизмат кўрсатиб келмоқда.

“TURON”нинг тарихига назар ташлайдиган



бўлсак, 1913 йилда таниқли ўзбек маърифатпар-
варлари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Чўлпон,
Абдулла Қодирӣ, Гулом Зафарӣ, Шоқиржон
Раҳимӣ сингари машҳур ёзувчи ва шоирлар
тақдим қилган китоблар асосида “TURON” номи
билан оммавий кутубхона сифатида иш юрита
бошлаган. 1923 йилда оренбурглик олим Аҳмад
Исҳоқов ўзининг араб, форс ва турк тилларидаги
5000 нусхадан иборат китобларини кутубхонага
совға қилди. Кутубхона дастлабки ўн йил ичи-
да 20000 мингдан зиёд ноёб адабиётлар билан
бойитилди. Шу тариқа “TURON” кутубхонаси
20-йилларнинг ўрталаридаёқ Марказий Осиёда
номи таралган маданият маскани сифатида китоб-
хонларнинг алоҳида эътиборини қозонган.

Бугунги кунда ўзининг ноёб китоблари, газета
ва журналлар таҳламлари, жаҳон адабиётининг
нодир намуналари, энциклопедиялар, луғатлар,
400 минг нусхадан ортик замонавий адабиёт
намуналари ва вақтли матбуот нашрларига эга
бўлган “TURON” кутубхонаси ёшларнинг севим-
ли масканига айланиб улгурганлиги китобхонлар
сонининг тобора кўпайиб бораётганида якқол
намоён бўлади.

Кутубхона томонидан барча йўналишлар асоси-

да кенг китобхонлар оммасига табақалаштирилган ҳолда ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш мақсадида 2000 йилда кутубхонада хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи “Чорсу – 2000” ўқув маслаҳат маркази ташкил этилган бўлса, 2001 йилда эса “Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази” ўз фаолиятини бошлаган. Ундан фойдаланувчиларга юридик ва иқтисодий адабиётлар жамғармаси ва интернетдан бепул фойдаланиш тизими тақдим этилган. 2005 йилда кутубхонанинг шонли тарихини ўзида акс эттирган, 6 бўлимдан иборат бўлган “TURON” кутубхонаси тарихий музейи ташкил этилганлиги фойдаланувчиларга ўлкашуносликка оид адабиётларни янада кенгроқ тарғиб қилиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 19 йиллик юбилейи арафасида “TURON” ахборот-кутубхона марказига берилган Тошкент шаҳар Яшнаобод туманидаги Оханграбо кўчаси, 1-уйда жойлашган бино капитал таъмирланди, зарурий жиҳозлар билан таъминланиб янгича кўринишга эга бўлди. 2010 йилнинг март ойида кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ҳ. Каримова, А. Қирғизбоев, Вазирлар Маҳкамасидан А. Алимов, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан А. Ходжаев ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Умаровлар иштирок этдилар. Кутубхона биносининг очилиш маросими ёш китобхонларда ва биз кутубхона ходимларида катта таассурот қолдирди.

Бугунги кунда ахборот-кутубхона маркази қошида 7 та бўлим, 7 та сектор Тошкент вилояти, шаҳар аҳолисига намунали ахборот-кутубхона



хизмати кўрсатиш билан биргаликда вилоятдаги барча тизимдаги мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги йирик илмий марказлар ва ўқув юртлари китобхоналарига, хатто кутубхона фондидан фойдаланаётган хорижий тадқиқотчиларга ҳам республиканинг йирик маърифат марказларидан бири сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ахборот-кутубхона марказида 40 нафардан ортиқ малакали кутубхоначи мутахассислар касбига бўлган муносабати, инновацион ғоялар билан танишлиги, замонавий ахборот технологияларини иш жараёнида татбиқ этиш учун маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб боради. Жумладан, аҳолининг ахборот маданиятини шакллантиришга қаратилган суҳбатлар, кўргазмалар, мутахассис кунлари, экскурсиялар ва адабиётларнинг библиографик шарҳларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Вилоят ҳудудидаги барча ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарининг мутахассислари учун касбий малака ошириш курслар ташкил этиш орқали, китобхонлар билан яқка тартибда ишлаш, зарурий адабиётларга қизиқиши бўйича сўровларни қондиришда, шунингдек, оммавий тадбирларнинг янги шаклларида фойдаланган ҳолда илмий ва амалий кўмаклашиш мақсадида ўтказилаётган семинар-тренинглар ижобий натижаларга эришишимизда қўл келмоқда.



Вилоят худудидаги таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг электрон манзиллари ҳамда веб-сайтларини яратишга яқиндан қўмаклашади ҳамда улар электрон каталог, электрон кутубхона яратиш ишларида бир хил электрон дастурлар (KaDaTa, KARMAT, ARMAT) билан таъминланиши билан бирга локал тармоқлар орқали Интернет, Ziyonetга уланиш имкониятига эга бўлишди.

Маълумки, ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаётга шахдам кириб келаётган ёшларнинг тафаккури, онги ва дунёқарашада оташин миллатпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик, ўзи туғилиб ўсган заминга, унинг фуқароларига

мислсиз меҳр-муҳаббат, фидойилик, садоқат туйғуларини камол топтириш, маърифатли, чуқур билимли, маънавиятли ва маданиятли шахслар сифатида тарбиялаб вояга етказиш, илм-фан ва маданият соҳаси ходимлари олдида турган ва долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ўзининг 100 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган “TURON” ахборот-кутубхона маркази вилоятда ягона бўлган йирик илмий-маърифий маскан сифатида аҳолига, кенг китобхонлар оммасига самарали ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши учун барча имкониятлар яратилган.



Ҳурматли журналхонлар, рукнимизнинг бу галги меҳмони адиб ва олим Хуршид Дўстмуҳаммад. У 1951 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Таниқли ёзувчининг “Бозор”, “Донишманд Сизиф”, “Сўроқ”, “Чаёнгул”, “Куза...” сингари роман, қиссалари ва кўплаб ҳикоялари мухлисларга таниш. Публицистика назарияси ва амалиёти соҳасидаги илмий тадқиқотлари учун филология фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган.

ТАҲРИРИЯТ

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ОҚ ЛИБОС

Тошкент. 1810 йил ҳикояси

“Ҳоким ҳазратлари келяптилар”, деган хабар эшитилиши билан икки канизак ва табиблардан уч нафари Оқ хонани тарк этишди. Эшикка доғур вазмин одимлаб келган Юнусхўжа ичкарига киргач, қаттиқ хавотирда эканини яширолмайдилар қадамлар ила пастак сўрига яқинлашди. У онасидан бурун табиб йигитнинг авзойига кўз ташлади. Эндигина мурти ниш урган табиб ёшига номуносив салоҳият билан кампирнинг яноғига бир чимдим пахтани босиб турарди. Унинг кўзларидан ҳам бирор маъно ўқиш мушкул эди, ҳоким ҳазратлари ташриф буюрганини гўё сезмагандай авзойини бузмади.

Юнусхўжа парку ёстиққа бош қўйганча кўзларини чирт юмиб ётган онасига термилди. Волидан меҳрибонининг чехраси ёқимсиз бир тусда сарғай-

ганини кўриб, ичидан зил кетди. Табиб йигит қизларникидек узун, тим қора киприкларини кўтариб, ҳоким ҳазратларига қаради.

– Зулук солдик... – деди у шивирлаб: – Аҳволлари дуруст...

Юнусхўжа унинг кўзларига ишонқирамай тикилди.

– Эрта билан сизни сўрадилар... – Ҳамон овозини ўзгартирмай деди табиб, сўнг, қаранг, дегандек кампир томон ишора қилди. Юнусхўжа онасининг қовоқлари сезилар-сезилмас пирпираганини илғади. Омила онанинг кўзларида нур йилтиради. Юнусхўжа узун ва кенг енгини пайпаслаб онасининг билагидан тутди, сўнг унинг кафтини силай бошлади.